# Ўртоқ М. С. ГОРБАЧЕВ нутқи

**(Давоми. Боши биринчи бетда).**

Биз ҳаммамиз демократия шароитида ишлашни ўрганишимизга тўғри келмоқда. Кейинги вақтларда мамлакатда турли даражалардаги раҳбарларни сайлаб қўйиш практикаси тобора кенг оммалашмоқда. Биз буни омма жамоат активлигини оширишнинг муҳим воситаси ҳам деб, кадрлар билан ишлаш бюрократик методларига қарама-қарши восита ҳам деб билмоқдамиз.

Қайта қуриш — кадрлар учун жиддий имтиҳондир. Аммо бу мактаб ҳам бўлиб, у янги етакчиларни, талантли, истеъдодли кишиларни юзага чиқармоқда, олдинда бораётган, ўз тақдирини социализмни янгилаш йўлидаги кураш билан боғлаган кишиларнинг ирода фазилатларини намоён этмоқда. Уларнинг намунаси ҳозир мамлакатдаги маънавий-сиёсий вазиятни тобора кўпроқ белгилаб бермоқда.

Хуллас, партия бошлаган иш — жамиятни ғоят кенг кўламда қайта қуриш бўлиб, у демократияни ривожлантириш, социал адолатни мустаҳкамлаш, одамларни маънавий жиҳатдан улуғлаш асосида жамиятга энг замонавий формаларни бағишлаши лозим.

Мана шу иш давомида эскириб қолган кўпгина тасаввурларни қайта кўриб чиқишга, тузатишга тўғри келаётганлигини айтиб ўтишим керак. Масалан, экономика билан социал сиёсатнинг нисбати каби масалани олиб кўрайлик.

Одамларнинг қандай яшаши уларнинг қандай ишлашига боғлиқ эканлиги аллақачон маълумдек эди. Лекин бунинг акси ҳам борку, ахир: одамлар қандай яшаётган бўлса, улар шундай ишлайдилар ҳам. Ҳолбуки, бизда узоқ вақт мобайнида асосий куч ва маблағларни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга сарфлаш керак, социал муаммоларни ҳал этишни эса «кейинга» қолдирса ҳам бўлаверади, деган тасаввурлар яшаб келди. Бу эса икки карра зиёнга айланди: одамларнинг манфаатларига зарар етказилди, ишлаб чиқаришнинг ўзи ҳам зарар кўрди. Айтайлик, янги заводлар, цехлар қурилаверди-ю, аммо кишилар у ерларга бормадилар, чунки ўзларининг талаб-эҳтиёжлари тўғрисида етарлича ғамхўрлик қилинмаётган жойларда ишлашни истамадилар.

Ҳозир аҳволни ўнглаяпмиз. Актив социал сиёсат ўтказишга, ишлаб чиқариш вазифалари меҳнаткашларнинг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ҳал этилишига қаратилган йўлга амал қилинмоқда.

Уй-жой қурилишини жадаллаштирмоқдамиз. Бу ишни давлат йўли билан ҳам, меҳнат коллективлари йўли билан ҳам авж олдиряпмиз, кооператив, жумладан ёшлар кооператив уй-жой қурилиши рағбатлантирилмоқда. Соғлиқни сақлашни яхшилаш, маданият муассасаларини, жамоат транспортини, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни, хизмат соҳасини ривожлантириш комплекс тадбирлари белгиланган. Озиқ-овқат программасини амалга оширишни доимо диққат марказида тутяпмиз, бунда катта-катта агросаноат фирмаларини ташкил этишдан то оилавий пудратгача ғоят хилма-хил ташкилий формалардан фойдаланяпмиз.

Меҳнаткашларни интернационал руҳда тарбиялаш, халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш, партия ишининг яна бир энг муҳим соҳасидир. Бу—биз учун муҳим проблемадир. Миллий муносабатларга оид барча ишларга В. И. Ленин ғоят катта аҳамият бергани, бу проблемаларни ҳал этишда жуда эҳтиёткорлик ва сезгирлик талаб қилгани маълум. Лениннинг бу хусусдаги васиятлари ҳозир ҳам актуал деб ўйлайман. Биз ана шу васиятларга амал қиламиз.

Биз бошлаган ишнинг мазмуни, қисқача айтганда, ана шулардан иборат. Биз партия ташаббуси билан ва унинг раҳбарлигида авж олдириб юборилган қайта қуриш жараёнининг бошланишида турганлигимизни тан оламиз ва буни очиқ айтяпмиз. Ҳаёт бизни вазиятга хушёрлик билан баҳо беришга ўргатди, муваффақиятлар хусусида шов-шув кўтаришдан қайтарди. Олдимизда янада катта ва мураккаб ишлар турибди. Аммо совет коммунистларининг партияси бу йўлдан қайтмайди. Ўз халқимиз олдидаги, социализм тақдири учун юксак масъулият туйғуси бизни шунга ундамоқда.

Ўртоқлар! КПСС қайта қуришни авж олдирар экан, Совет Иттифоқининг конкрет шарт-шароитларига, социализм назариясини қандай тушунишимизга асосланади, совет халқининг эҳтиёжларини ва идорасини ҳисобга олади. Шу билан бирга биз дўстлар тажрибасини, уларнинг социалистик қурилиш назарияси ва практикаси соҳасидаги изланишларини зўр қизиқиш билан ўрганмоқдамиз, бизнинг шароитимизга тўғри келадиган ҳамма нарсалардан кенг фойдаланишга ҳаракат қилмоқдамиз. Ўз навбатида агар қардош мамлакатлар бизнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган ижодий ишда ўзлари учун фойдали бирон нарсани топсалар биз хурсанд бўламиз.

Социалистик давлатлар ўртасидаги муносабатлар шу тарзда ва фақат шу тарзда бўлиши керак, деб ўйлайман: ўз сиёсий йўлини белгилашда тўла мустақиллик ҳамда жаҳон социализми тақдири учун коллектив жавобгарлик, ўзаро манфаатли кенг тажриба алмашиш ва тенг ҳуқуқли ўртоқларча ҳамкорлик бўлиши лозим.

Шуни айтишим керакки, биз жамиятимизни тубдан қайта қуришга киришар эканмиз, ишнинг ана шу жиҳатини бир дақиқа ҳам эътибордан қочирганимиз йўқ. Мақтаняпти, деб ўйламанглар — совет коммунистлари, совет кишилари шундай тарбияланганларки, биз ўз манфаатларимизни, совет манфаатларини ҳамдўстлик, жаҳон социализм системаси, халқаро ишчилар ҳаракати муштарак манфаатларидан, агар кенгроқ доирада оладиган бўлсак, бутун инсоният фаровонлиги ва тараққиёти манфаатларидан ҳеч қачон ажратган эмасмиз ва ажратмаймиз ҳам.

Агар мана шу катта сиёсий принциплардан амалий ишларга ўтадиган бўлсак, Совет Иттифоқи тараққиётини жадаллаштириш социалистик мамлакатлар билан ҳамкорлигимизга, бинобарин уларнинг ривожланиш шароитига ҳам баракали таъсир қилади. Маркс капиталистик система доирасида бир давлатнинг ютиб чиқиши бошқа давлатнинг ютқизишидир, деган эди. Социализм доирасида бутунлай қарама-қарши тартиб қарор топади. Бунда бир давлатнинг ютуғи ҳамманинг ютуғи бўлиб қолади.

Бу ерда гап умум манфаатлари учун ҳар биримизнинг нималар қила олишимиз тўғрисида бормоқда. Аммо бошқа, яна бир муҳим вазифа бор: биз ҳаммамиз биргаликда, халқаро ҳамкорлик қилишимиз натижасида нималар қила оламиз? Чунки бундай ҳамкорлик қардош мамлакатларнинг ҳар бири учун тобора кўпроқ аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Эндиликда ижтимоий маҳсулотнинг ўсиб бораётган қисми кооперация асосида вужудга келтирилиб, у ташқи савдо учун мўлжаллангандир, бу тенденция прогрессив тенденциядир. Мамлакатлар социалистик ва халқаро меҳнат тақсимотига қўшилиб, ўз ишлаб чиқариш потенциалларини ўзаро тўлдириш, ўзларини биргаликдаги фан-техника тажрибаси билан бойитиш, шу асосда ўз тараққиёти даражасини кўтариш имкониятига эга бўлмоқдалар.

Шу муносабат билан қардош партиялар раҳбарларининг ўтган йилги амалий учрашувида аҳдномага эришиш натижасида интеграция жараёнини бутун чоралар билан интенсивлаш, ҳамкорликни кўпроқ иқтисодий методларга ўтказиш, бевосита ишлаб чиқариш алоқалари ўрнатиш, қўшма корхоналар ва илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари барпо этиш йўлига ўтилганлиги принципиал аҳамиятга эгадир. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши фаолиятини жиддий яхшилаш мақсадга мувофиқ деб топилди. Бу ташкилот мамлакатларимиз учун яхши хизмат қилди, бунинг учун уни мақтаса арзийди. Лекин янги давр биргаликдаги фаолиятнинг янги методларини, бу фаолиятни бошқаришнинг замонавий формаларини тақозо этмоқдаки, бу формаларни қўлланиш иқтисодий ҳамжиҳатлик даражасини жиддий равишда оширади, ҳамкорликда иштирок этаётган ҳар бир томоннинг ундан оладиган самарасини юксалтиради.

Қардош партиялар интеграция жараёни олдига кенг доирадаги вазифаларни қўйиб, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришни асосий вазифа деб ҳисобламоқдалар. Социализм мамлакатлари олдида турган энг йирик иқтисодий ва социал проблемаларни ҳал қилишнинг, социализм мамлакатлари халқаро позицияларини мустаҳкамлашнинг, улар жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшадиган ҳиссани кўпайтиришнинг калити микроэлектроника, биотехнология ҳамда илмий билимнинг бошқа илғор тармоқларидадир.

Маълумки, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши мамлакатлари 2000 йилгача фан-техника тараққиётининг комплекс программасини қабул қилдилар. Бу программани амалга ошириш бошланди. Лекин очиғини айтганда, бу иш ҳозирча етарли даражада жўшқинлик билан олиб борилмаяпти. Бизнингча, бу ғоят муҳим ишни жадаллаштириш имконияти ҳам, зарурати ҳам мавжуд. Кеча ва бугун биз ана шу масалаларни ўртоқ Н. Чаушеску билан биргаликда муҳокама қилдик ва ишлаб чиқариш кооперациясини, айниқса ҳамкорликнинг янги формаларини чуқурлаштириш ва кенгайтириш иккала мамлакат учун ҳам фойдали бўлур эди деган умумий фикрга келдик. Фан-техника алоқалари соҳасида олға томон жадал ҳаракат қилиш учун бизда ҳамма имкониятлар бор. Руминия олимлари, мутахассислари бизда олиб борилаётган кенг жабҳадаги фундаментал ва амалий тадқиқотларда янада кенгроқ иштирок этишлари мумкин эди. Ёшларни бошқа мамлакатлардаги олий ўқув юртларига юборишни кенгайтириб, айтиш мумкинки, фанимиз ва саноатимизнинг келгусидаги баҳамжиҳат ҳаракатларига одамларни тайёрлаш билан замин яратиш мумкин.

Ишончим комилки, ҳамкорлигимиздаги сифат ўзгаришлари моддий фойда етказибгина қолмай, умуман Совет—Руминия муносабатларига самарали таъсир этиб, халқларимиз дўстлигини янада мустаҳкамлашга кўмаклашади.

Ўртоқлар! Индинга Берлинда Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитетининг навбатдаги кенгаши бўлади. Ҳамиша бўлгани каби унда Европадаги ва бутун дунёдаги вазият биргаликда таҳлил этилади, биргаликдаги қилинадиган, етилган ташқи сиёсий ҳаракатлар келишиб олинади.

Баҳамжиҳат ҳаракат қилишимиз, жипслигимиз, бирлигимиз бизнинг буюк ғалабамиздир. Ҳал қилувчи даражада биргаликда сарфлаган куч-ғайратларимиз туфайли социалистик давлатларнинг хавфсизлиги ва суверенитетини ҳимоя қилиб, ҳарбий иғвогарликлар ҳаваскорларининг йўлини тўсишга муваффақ бўлдик. Ҳамдўстлигимиз муштарак вазифаларни ҳал этиб, унда қатнашувчи ҳар бир мамлакат манфаатларини ҳимоя қилишга ёрдам берди. Социалистик давлатларнинг аҳиллик билан актив ҳаракат қилишлари туфайли Польша ва Чехословакиянинг урушдан кейинги чегаралари мустаҳкамланди, ГДРнинг халқаро ҳуқуқий тан олиниши таъминланди, Куба блокада қилинишига барбод берилди, Америка агрессиясига қарши курашда Вьетнамга катта ёрдам кўрсатилди. Социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари қитъада коллектив хавфсизлик жараёнини бошлаб бердилар — шу ерда, Бухарестда Умумевропа кенгашини ўтказиш ташаббуси олға сурилди.

Биз биргаликдаги ҳамма ҳаракатларимиз ҳамиша ҳам муваффақиятли чиқди ва ютуқларга олиб келди, деган фикрдан узоқдамиз. Лекин бир нарсани қатъий айтиш мумкин: биз тинчлик тўғрисида жон куйдириб яшадик ва шу муддао билан яшамоқдамиз. Ядро фалокатининг олдини олиш, инсониятни қутқариб қолиш — сиёсатимизнинг асосий мақсадидир.

Ҳозирги пайтда барча мамлакатлар олдида уруш хавфини қандай қилиб бартараф этиш керак деган масала турибди. Лекин унга турлича жавоб қайтарилмоқда. АҚШнинг ҳукмрон доиралари, бир қанча капиталистик мамлакатларнинг раҳбарлари хавфсизликни қўрқитиш, аввало ядро қуроли билан қўрқитиш орқали таъминлаш мумкин деб ҳисобламоқдалар. Бизнинг бу масалага ёндашишимиз мутлақо бошқача — хавфсизликни қурол-яроғларсиз ва зўравонликсиз дунё томон ҳаракат қилиш орқали таъминлаш мумкин. Бунинг учун биз реал йўлни: ядро қуролини ва бошқа оммавий қирғин қуролларини камайтириш, тўла тугатиш, қуролланиш пойгаси космик фазога чиқишига йўл қўймаслик, ядро синовларини тўхтатиш программасини таклиф қиляпмиз.

Ҳозир Европадаги ўртача олислик ракеталарини тугатиш тўғрисидаги масала кун тартибига қўйилган. НАТО мамлакатларининг айрим давлат арбоблари ўзларининг сўнгги баёнотларида ва биз билан суҳбатларида Совет Иттифоқи таклиф этган ана шу проблемани тубдан ҳал этиш йўли принцип жиҳатидан мумкин деб айтдилар. Бироқ бу гапдан кейин жуда кўп «лекин» пайдо бўла бошлади. Айни бир пайтда оператив ракеталар масаласини ҳал этмай туриб ўртача олислик ракеталарини йўқ қилиш мумкин эмас деган гапларни айта бошлашди. Биз бу қурол турини ҳам йўқ қилишга рози бўлганимиздан кейин Ғарбдаги шерикларимиз саросимага тушиб қолишди ва Варшава Шартномасининг гўё ғоят катта қудрати олдида бизни қурол-ярoғсиз қолдирмоқчи бўлишяпти, деган гапларни қилишди.

Сўнгра юзта жанговар каллакдан воз кечиш шарт қилиб қўйилди. Рейкьявик аҳдномасига мувофиқ Совет Иттифоқининг Осиё қисмида ва АҚШда шунчадан жанговар каллак қолиши керак эди. Маълумки, бир неча кун олдин биз шундай бўлиши ҳам истисно эмас деб айтдик. Лекин бундан кейин ҳам турли ғовлар қўйилмоқда. Нима ҳам дердик, ҳеч бўлмаганда мана энди ким ядроли дунё тарафдори-ю, ким ядросиз дунё тарафдори экани ҳаммага равшан бўлиши керак. Коммунистлар мухолифларининг социалистик давлатларнинг агрессив ниятлари тўғрисида тарқатган афсоналари нақадар ёлғонлиги ҳам равшан бўлиши керак.

Мана шу ғоят масъулиятли бурилиш пайтида халқлар ядровий қуролсизланиш, Европада тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш каби ғоят жиддий масалани ҳал этиш чоғида бекинмачоқ ўйинига ниҳоят чек қўйилишини талаб қилишга ҳақлидирлар.

Ғарбда узил-кесил бир қарорга келиш чоғида яхши ният ва сиёсий реализм устунлик қилади, бунинг натижасида шу йилнинг ўзидаёқ ўртача олислик ракеталарини тугатиш тўғрисида шартнома тузиш мумкин бўлади, деб ишонишни истардик.

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар барча Европа мамлакатларига мурожаат қилиб, қуролли кучларни, тактик ядро қуролларини ва оддий қурол-яроғларни Европада — Атлантикадан Уралгача қисқартиришнинг конкрет программасини ўртага қўйганларидан кейин орадан деярли бир йил вақт ўтди. НАТОнинг баъзи қатнашчилари бу хусусда музокара олиб боришга розидек кўринадилар, лекин улар бу музокараларда тактик ядро қуроллари масаласи муҳокама қилинишига қарши чиқмоқдалар. Шундай савол туғилади: агар уларнинг кўп қисми «икки мақсадга мўлжалланган» яъни оддий қурол сифатида ишлатишга, шунингдек ядро қуроллари сифатида ишлатишга ҳам мўлжалланган бўлса, у ҳолда нима бўлади? Бизнинг назаримизда бу қурол тўғрисидаги масалани оддий қурол-яроғлар билан комплекс қараб чиқиш мантиқан тўғри бўлур эди.

Бу ерда, Бухарестда Болқондаги вазиятга қандай баҳо бераётганлигимизни айтиб ўтиш ҳам ўринлидир.

Маълумки, асрлар давомида бу районни Европанинг порох сақланадиган ертўласи деб ҳисоблар эдилар. Ҳозир бу ерда жойлашган давлатлар ўртасида тинч муносабатлар мавжуд экан, бу сўзсиз уларнинг умумий хизматидир. Лекин шунга ҳам ҳеч қандай шубҳа йўқки, агар бу районни бирорта ядро қуроли, бирорта ҳам химия қуроли бўлмаган зонага айлантириш ғояси амалга оширилса, Болқон мамлакатлари ўзларини янада дадилроқ ва хотиржамроқ ҳис этган бўлур эдилар.

Бу хусусда Румыния билан Болгариянинг таклифлари мавжуд. Бизнинг билишимизча, бу таклифларга бошқа давлатлар ҳам ижобий муносабатда бўлмоқдалар. Шу муносабат билан Совет Иттифоқи бу зонада ядро қуроли ва химия қуролини жойлаштирмаслик ҳамда ишлатмаслик хусусида зарур кафолат беришга тайёр эканлигини айтишни истардим. Бундан ҳам кўпроқ иш қилиб, Болқон ярим оролини ҳар қандай хорижий қўшинлар ва ҳарбий базалардан холи қилиш мумкин бўлур деб ўйлайман.

Болқон давлатларининг ўз районини тинчлик ва ҳамкорлик зонасига айлантириш борасидаги куч-ғайратларини биз Умумевропа жараёнининг ажралмас қисми деб ҳисоблаймиз. СССР мавжуд бой анъаналарга таяниб, бу ерда жойлашган ҳамма давлатлар билан ҳамкорликни ривожлантиришга, Болқонда барқарор соғлом вазиятни вужудга келтиришга ҳар томонлама кўмаклашишга тайёрдир.

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг иккала иттифоқ давлатлари ҳарбий харажатларини бир-икки йил кўпайтирмаслик тўғрисидаги ўзаро келишилган таклифга ҳам эътиборни жалб қилмоқчи эдим. Маълумки, румин ўртоқлар бу тадбирнинг ташаббускори бўлдилар. ЧССР ва ГДРдаги дўстларимизнинг ГБСПда биргаликда олға сурилган Марказий Европада ядросиз йўлак барпо этиш тўғрисидаги маълум таклифининг амалга оширилиши ҳарбий қарама-қаршиликни камайтиришга ёрдам берган бўлур эди. Яқинда қитъамиз марказида қурол-яроғларни камайтириш ва ишончни мустаҳкамлаш ҳақида Польшанинг комплекс плани ҳам эълон қилинди. Бу таклифларнинг барчаси ҳар бир социалистик мамлакатнинг тинчликни мустаҳкамлашга қўшаётган ҳиссаси муҳимлигини, ҳар бир социалистик мамлакат ташаббусини халқаро ишларда социалистик ҳамдўстликнинг ўзаро келишилган йўли билан қўшишнинг муҳимлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Ўртоқлар! Бундан етмиш йил муқаддам Улуғ Октябрь социалистик революцияси замин узра тинчлик байроғини биринчи марта баланд кўтарди. Ҳозир, XX асрнинг сўнгги чорагида социализм мамлакатлари планетамиз тақдирини қадрлайдиганларнинг ҳаммаси билан биргаликда инсониятнинг тинч келажагини таъминлаш учун кураш олиб бормоқдалар. Мана шу олижаноб мақсад йўлида совет ва румин коммунистлари, совет ва румин халқлари биргаликда курашмоқдалар.

Биз бундан буён ҳам қўлни-қўлга бериб бирга бораверамиз, иттифоқимизни, дўстлигимизни мустаҳкамлайверамиз, деб қатъий ишонч билдиришга рухсат этгайсизлар!

Румин халқига чин қалбимдан бахт-саодат ва равнақ тилайман!

Яшасин тинчлик! Яшасин социализм!

* * *

Н. Чаушеску ва М. С. Горбачев ўртоқларнинг нутқлари эътибор бериб тингланди ва давомли қарсаклар билан бир неча бор бўлиниб турди.

# ОММАНИНГ ЖОНЛИ ИЖОДКОРЛИГИГА ТАЯНИБ

## *М. С. Горбачевнинг Бухарест меҳнаткашлари билан учрашувлари*

БУХАРЕСТ, 26 май. (ТАСС махсус мухбирлари А. Беликов, О. Широков, Г. Шишкин). Бугун М. С. Горбачев турли типдаги тепловозлар, бошқа турдаги темир йўл техникаси, дизель агрегатлар, цемент заводлари учун асбоб-ускуналар, компрессорлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган «23 август» корхонасини бориб кўрди.

РКП Бош секретари, РСР Президенти Н. Чаушеску, КПСС Марказий Комитетининг секретари В. А. Медведев М. С. Горбачев билан бирга бўлдилар.

Корхона меҳнаткашлари кенгаши билан учрашув бўлди. Кенгаш раиси, партком секретари П. Рэдукану, бош директор А. Рошу Совет иттифоқилик меҳмонни ишлаб чиқариш билан, корхонанинг муваффақиятлари ва муаммолари билан таништирди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари кўпгина масалаларни, шу жумладан, корхонада маҳсулот сифати ва хом ашёни тежаш қандай рағбатлантирилаётганини батафсил суриштирди.

Бош директор **А. Рошу:** Амалда бу иш қуйидагича ташкил қилинган: агар, айтайлик, цех ўз планини 105 процент бажараётган, электр энергия, материал сарфлаш нормативларига риоя қилаётган, сифат даражасини кўтараётган бўлса, меҳнаткашлар кенгашининг анализи натижаларига биноан коллектив муносиб равишда рағбатлантирилади.

**М. С. Горбачев:** Агар ишчининг ўртача ойлик иш ҳақи олинса-чи? Сифат учун, материалларни тежаш топшириқларини бажарганлик учун рағбатлантириш неча процентни ташкил қилади?

**А. Рошу:** 3 процентдан 5 процентгача.

**М. С. Горбачев:** Ишчи билан инженер-техник ходим ўртача иш ҳақининг нисбати қандай?

**А. Рошу:** Ўрта ҳисобда инженернинг иш ҳақи ишчиникидан 30 процент юқори. Турли тажриба, малака, иш стажи эътиборга олинади, албатта.

**М. С. Горбачев:** Сизларнинг заводингиз тўғрисидаги ахборотни эшитиш менга қизиқарли бўлди. Сизлар билан учрашишдан аввал ҳам мен корхона ҳақида кўп нарса билардим. Сизлар беш йиллик учун жиддий планлар тузиб олганингиз қувончлидир. Шу планни бажаришда сизларга муваффақиятлар тилайман. Ўртоқ Чаушеску билан музокараларимизда иқтисодий ҳамкорлик масалалари катта ўрин олди. Кеча ҳам, бугун ҳам шундай бўлди. Товар оборотини шунчаки ошириш билан энди иқтисодий ҳамкорликни кўтариш қийин. Кооперация, ихтисослашув керак, бевосита алоқалар керак. Тайёргарлик кўрганимиздан кейин эса қўшма корхоналар барпо этиш ҳам лозим. Икки томонлама истак бўлган тақдирдагина шундай қилиш лозимлиги табиий. Тўғри, истакдан ташқари экономика ҳам бизни шундай қилишга қаттиқ ундамоқда. Ё биз асосан ўз алоқаларимизни ривожлантиришимиз, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасида иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришимиз ёки бошқа бирон-бир жойдан бошқа алоқаларни излашимиз керак бўлади. Жаҳон бозоридаги аҳвол жуда кескин. У ерда халқаро империализмнинг доимо бизнинг экономикамизга суқулиб кириш истагидаги корчалонлари ҳукмронлик қилмоқда. Улар шундай қилишга муваффақ бўляптилар ҳам, буни назарда тутинглар. Шу боисдан ҳам биз ўз ҳамкорлигимизни кучайтиравeрамиз, бизнинг ҳамкорлигимиз эса ким-кимни алдаши асосига эмас, балки социализм принциплари, манфаатларнинг муштараклиги асосига қурилади. Бу мутлақо бошқача вазият. Бу вазият барча мамлакатлар экономикасини пишиқ-пухта ривожлантиришни, унинг мустақил характерини гарантиялайди. Бундан ташқари, биз ўз сиёсий муносабатларимиз учун моддий муносабатларнинг тағин ҳам мустаҳкам базасини яратяпмиз.

Ҳозир — янги босқич: илгари шунчаки савдо-сотиқ, яна баъзи бир кооперация алоқалари бўлган эди. Аммо бу етарли эмас. Энди мана шу янги муносабатларни ўзлаштириш керак. Экономикани ривожлантиришда, хўжалик механизмида ўзига хос хусусиятлар ҳам бор. Шу сабабли қийинчиликлар бўлади. Бундай қийинчиликлар ҳозирнинг ўзида ҳам бор. Аммо уларни бартараф этиш мумкин. Биз бунга катта эътибор бердик. Мен румин томонини танқид қилдим, ўртоқ Чаушеску совет томонини танқид қилди. Ҳукуматларимизга, иқтисодий идораларимизга яқин вақт ичида обдон ишлаб, ҳамкорликни кенгайтириш имкониятларини аниқлаш топшириқларини бериш ҳақида келишиб олдик. Кўриб турибсизларки, бизнинг ўртоқ Чаушеску билан ҳузурингизга қилган сафаримизнинг давоми бўлади, деб умид қиламиз. Сизлардан эса яхши маҳсулот кутамиз.

Бултур қардош коммунистик ва ишчи партиялар раҳбарларининг учрашуви вақтида ҳамкорликнинг ҳамма проблемалари юзасидан батафсил гаплашиб олинган эди. Иқтисодий масалалар муҳокама қилинган пайтда бир-биримизга оширилган талаблар қўйишга келишиб олган эдик. Бу гап маҳсулотларнинг техникавий даражасига ҳам, сифатига ҳам тааллуқлидир. Келинглар, биз ҳам шундай иш тутайлик. Бир-биримизнинг корхоналаримизни яроқсиз маҳсулот келтириб ташланадиган жой, деб билмайлик. Шу пайтгача бундай бўлди: Ғарбга кетадиган маҳсулотни танлаб олиб, валюта ишлашга қизиқилди. Бир-биримизга эса ёмонроқ маҳсулотни юбордик. Бу нарса социализмни мустаҳкамлайдими, ахир? Техникавий даражасининг кўрсаткичлари ёмон бўлган паст сифатли маҳсулот юборилса, унинг ёрдамида меҳнат унумдорлигини ошириб бўладими? Бу ҳолда биз капитализмни қандай қилиб қувиб ўтамиз, у билан қандай қилиб мусобақалашамиз? Муносабатларимизни қайта қуриш керак. Ҳалоллик билан, тўппа-тўғри қайта қуришимиз, бир-биримизга талаблар қўйишимиз керак. Бу ҳақда ҳам биз ўртоқ Чаушеску билан келишиб олдик. Корхонанинг истиқболларини ишлаб чиқишда сизнинг илмий марказингиз ҳам қатнашаётганлиги ўртоқларингиз ўз вазифаларини ҳал этишга жуда масъулият билан ёндашаётганини кўрсатиб турибди.

Совет — Румин муносабатларига келганда, суҳбатда бу муносабатларни ривожлантиришнинг юқори даражасидан мамнуният изҳор этилди, аммо бунинг ўзи камлик қилади, яна олға бориш керак. Бу ҳақда ҳам келишиб олдик. Биз маданият соҳасида ҳам, илм-фан, делегациялар юбориш, спорт, туризм соҳасида ҳам муносабатларимизни янада кенг, интенсив тус олдириш ҳақида пухта ўйлаб кўрдик. Бир-биримизга яқинроқ бўлишимиз керак. Халқлар бир-бирини яхшироқ билса, тажрибаларини баҳам кўрса, катта сиёсат мустаҳкам пойдеворга таянади. Ўртоқ Чаушеску, ҳеч нарса қўшиб гапирганим йўқми?

**Н. Чаушеску:** Мен бир неча сўз айтмоқчиман. Техника тегишли равишда ривожлантирилмаса, хом ашё, материаллар ва энергия ресурслари сарфи қисқартирилмаса, социализм қуриб бўлмайди. Румин корхоналари ҳам, совет корхоналари ҳам шу талабни тўла эътиборга олиб, муайян турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш юзасидан кооперацияни биргаликда амалга оширишлари ҳақида келишиб олдик.

Суҳбатлар чоғида — кеча ҳам, бугун ҳам биз ўртоқ Горбачев билан бирга бир-биримизнинг фикримизни яхши тушундик. Аммо ҳамма аҳдномаларни министрликлар, корхоналар амалга оширишлари керак, акс ҳолда бизнинг аҳдномаларимиз рўёбга чиқмай қолиб кетади.

**М. С. Горбачев:** Яхши истаклар бўлиб қолаверади. Бизга эса реал ютуқлар ва реал тарзда олға силжиш керак. Ҳам иқтисодий, ҳам социал соҳада тараққиёт йўлидан боришимиз керак.

Меҳнаткашлар кенгашининг аъзолари билан бўлган суҳбатдан кейин цехлар кўздан кечирилди, ишчилар билан суҳбатлашилди.

**М. С. Горбачев:** Мен сизларни табриклайман. Кадр ишчилар синфи — юксак ишчи малакаси ҳам демакдир. Оилаларингизга, ишдаги ўртоқларингизга менинг саломимни етказингиз. Меҳнатда сизларга муваффақият тилайман.

Хўш, сизларда қандай муаммолар бор?

**Ишчининг овози:** Муаммолар йўқ!

**М. С. Горбачев:** Меҳнаткашлар билан учрашганимда кўпинча менга шундай жавоб қайтаришади. Мен уларга: бу гапингиз тўғри эмас, дейман. Шунда улар менга, муаммоларимиз — ўзимизники, уларни ўзимиз ҳал этамиз, дейишади. Бизда муаммолар борлигини мен жуда яхши тушунаманку, ахир. Горбачев ва Чаушеску даражасида ҳам, министрликлар, директорлар даражасида ҳам, ишчи инсоннинг ўзида ҳам муаммолар бор. Муаммолар бўлмаса яшаш зерикарли бўлади.

**Ишчининг овози:** Муаммолар бор, ўртоқ Горбачев. Агар улар бўлмаса ҳақиқатан ҳам зерикарли бўлур эди.

М. С. Горбачев корхонанинг ҳурматли меҳмонлар китобига қуйидагиларни ёзиб қўйди:

«Завод билан ғоят қизиқиб танишдим, меҳнат коллективининг муваффақиятлари, ишлари ва келажак режаларини билиб олдим. Корхонангиз тамғаси қўйилган маҳсулот Руминиядан ташқарида ҳам, шу жумладан, Совет Иттифоқида ҳам яхши маълум. Руминия саноати социалистик қурилиш йилларида нақадар илгарилаб кетганини яққол кўрсатиб турибди.

Шу билан бирга корхона коммунистлари, меҳнаткашлари маҳсулотнинг дунёдаги энг яхши намуналардан орқада қолмаслиги учун унинг техникавий даражаси ва сифатини янада ошириш устида тинимсиз меҳнат қилиш муҳимлигини яхши англаётганликларини уқтириб ўтиш ёқимлидир.

Ҳозир олдинги маррага чиқиб қолаётган айни шу вазифани Совет Иттифоқи, бошқа қардош социалистик мамлакатларнинг ишчилар синфи ҳам ўз олдига қўймоқда. Бу муҳим ишда куч-ғайратларни бирлаштириш, бевосита ишлаб чиқариш алоқаларини ўрнатиш ҳаммамизга биргаликда тезроқ ва муваффақиятлироқ олға силжиш имконини беради. Шу жиҳатдан олганда, сизнинг корхонангиз билан М. В. Фрунзе номли Суми илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилиши яхши истиқболлар очади.

Сизларга чин кўнгилдан меҳнатда бундан буён ҳам муваффақият, бахт-саодат, сиҳат-саломатлик тилайман. Орзу-умидларингиз, режаларингиз рўёбга чиқаверсин».

Сўнгра Бош секретарь «Жаҳонга тинчлик!» скульптурасини коллективга тортиқ қилди.

Совет раҳбари ишчилар билан хайрлашар экан, бундай деди: коллективингизнинг фаолияти билан танишишдан хурсанд бўлдим, таассуротларим кўп. Сизлар барча асосий соҳаларда: техникада ҳам, экономикада ҳам, социал масалаларда ҳам, ишчиларнинг малакасини оширишда ҳам ғамхўрлик қилаётганлигингиз менга жуда ёқди. Сизларга катта муваффақиятлар тилайман! Мамлакатимиз ишчилар синфидан сизларга самимий салом топшираман. Ҳамкорлигимиз ривожланаверади, деб умид қиламан.

# Визит тугади

БУХАРЕСТ, 27 май. (ТАСС махсус мухбирлари). КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев расмий дўстлик визитини тугаллаб, бугун Руминиядан жўнаб кетди. У РКП Бош секретари, РСР Президенти Н. Чаушескунинг таклифига биноан РСРга борган эди. КПСС Марказий Комитетининг секретари В. А. Медведев М. С. Горбачев билан бирга жўнаб кетди.

Бухарест — Отопень аэродромида СССР ва РСР Давлат байроқлари кўтарилган, аэропорт биносида табрик транспарантлари осиб қўйилган эди. Учиш майдонида Руминия Қуролли Кучларининг фахрий қоровули саф тортиб турди.

Фахрий қоровул бошлиғи КПСС Марказий Комитетининг Бош секретарига рапорт берди. Оркестр икки мамлакатнинг Давлат гимнларини ижро этди. Артиллерия салюти — 21 марта отилган залп аэродром узра акс-садо беради.

М. С. Горбачев билан Н. Чаушеску фахрий қоровул сафи олдидан ўтадилар.

ИЛ-62 авиалайнери зинапояси олдида совет раҳбарини ва унинг рафиқасини Н. Чаушеску рафиқаси билан кузатиб қўйдилар. Улар меҳмонларга оқ йўл тиладилар.

Кузатиб қўйиш маросимида РКП Марказий Комитети Сиёсий ижроия комитетининг аъзоси, РСР ҳукуматининг Бош министри К. Дэскэлеску, Руминиянинг бошқа партия ва давлат арбоблари, СССРнинг РСРдаги ҳамда РСРнинг СССРдаги элчилари ҳам иштирок этдилар.

Руминия пойтахти меҳнаткашларининг вакиллари совет раҳбари билан самимий хайрлашдилар, пионерлар гуллар тақдим этишди.

Мотоциклчиларнинг фахрий эскорти ҳамроҳлигидаги автомашиналар кортежи аэропорт сари ўтиб борган шаҳар йўллари ва майдонларида иккала мамлакатнинг Давлат байроқлари, икки партия ва халқ дўстлиги шарафига табрик сўзлари ёзилган транспарантлар осиб қўйилган эди. Бухарест аҳолисидан ўн минглаб кишилар совет меҳмонини кузатиб қўйиш учун шаҳар кўчаларига чиқдилар.

* * *

М. С. Горбачев жўнаб кетиш олдидан Бухарест бўйлаб сайр қилди. У Руминия пойтахтининг тарихий-архитектура ёдгорликларини, диққатга сазовор бошқа жойларини кўздан кечирди, кўплаб уй-жой қурилаётган районларни, политехника институтини бориб кўрди.

Н. Чаушеску совет раҳбари билан бирга бўлди.

# ЮБИЛЕЙ ЙИЛИ РЕЖАЛАРИ

27 май куни Тошкентда Ўзбекистон Хотин-қизлари республика кенгаши президиумининг мажлиси бўлди. Мажлисни Хотин-қизлар кенгаши президиумининг раиси, Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг раиси Ҳ. Алимова бошқарди.

Президиум республика кенгашининг шу йилги иш планини тасдиқлади. Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига ва «Ҳужум» ҳаракатининг 60 йиллигига тайёргарлик тадбирлари, Ўзбекистон хотин-қизлари V съездида айтилган танқидий мулоҳазалар ва таклифларни амалга ошириш тадбирлари ҳам тасдиқланди.

(ЎзТАГ).

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ САНЪАТИ

НИКОСИЯ. (ТАСС). Бу ердаги совет маданияти марказида Ўзбекистон ССР халқ амалий безак санъати кўргазмаси очилди. Кўргазмада сопол, ёғоч, бронзадан ишланган буюмлар, гиламлар, кашталар, музика асбоблари кўплаб намойиш этилмоқда.

Кипр — Совет дўстлик ва маданий алоқалар жамиятининг президенти П. Талиадорос кўргазмани оча туриб, бу кўргазма Кипр жамоатчилигига Совет Ўзбекистонининг маданий турмуши билан яхшироқ танишиб олишга имкон беришини, Кипр билан Совет Иттифоқи ўртасида дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга кўмаклашишини таъкидлади.

# «ПАУЛЬ ПАРЕЙ» НАМОЙИШ ЭТМОҚДА

Тошкентда Ғарбий Германиядаги «Пауль парей» нашриёти китоблари кўргазмаси очилди. Экспонатлар орасида беш томлик ноёб «Уй ҳайвонлари анатомияси дарслиги», «Хонаки ўсимликлар энциклопедияси», «Қувноқ суратларда генетика тарихи», ранг-баранг каталоглар ва бошқа оригинал нашрлар бор.

«Пауль парей» ҳар йили 2500 гача номдаги китобни. қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларига доир 36 та журнал босиб чиқармоқда. Анъанага кўра, экспозиция ташкилотчилари китобларни кўргазма ўтказилган шаҳарга туҳфа қилиб қолдирадилар.

(ЎзТАГ).

